*Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!*

# ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, РАМАЗОН, 24-КУН.
ШАМСИЙ, 1371 ЙИЛ, ҲАМАЛ, 8-КУН.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўзномаси*

*1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган* — 1992 ЙИЛ 28 МАРТ, ШАНБА, 60-СОН • 311 •

НАРХИ — ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН. СОТУВДА 60 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАГИ МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол моллари ва хизматларга чакана нархлар ошиб бораётган шароитда республика аҳолисини ва аввало унинг ночор табақаларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 16 мартидан халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан, уй-жой-коммунал тармоғи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлиги тизими ходимларининг иш ҳақи, шу жумладан имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойлик товон тўловлари 1,7 баравар оширилсин.

2. 1992 йилнинг 16 мартидан олий ўқув юртлари талабаларининг, аспирантларнинг, докторантларнинг стипендиялари, кийим-бош ва овқат билан таъминланмайдиган техникумлар ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,5 баравар кўпайтирилсин, бунда имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойлик қўшимча тўловларнинг аввалги миқдорлари ҳамда талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегиртмалар сақлаб қолинсин.

3. 1992 йилнинг 16 мартидан Ўзбекистон Республикаси ҳузурида иш ҳақи ва меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 550 сўм қилиб белгилансин.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларига энг оз миқдори 700 сўм бўлишидан келиб чиқиб, пенсиялар миқдори белгилансин, бунда Улуғ Ватан уруши III гуруҳ ногиронлари пенсияларининг миқдори энг оз иш ҳақи даражасигача етказилсин.

4. 1992 йилнинг 1 апрелидан фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 550 сўм миқдорида белгилансин.

5. Аҳоли даромадларининг даражасини тўғрилаб олиш мақсадида ойига 1600 сўмдан ошадиган иш ҳақидан даромад солиғи миқдорларини ошириш зарур деб ҳисоблансин. Шунга асосан Вазирлар маҳкамаси даромад солиғининг конкрет миқдорларини аниқласин ҳамда уларни солиқ тўловчиларга етказилсин.

6. Республика вазирликлари, идоралари, уюшмалари, концернлари, корхоналари ва хўжаликлари меҳнат унумдорлигини ўстириш ва ишлаб чиқариш (ишлар ва хизматлар)нинг ҳажмларини ошириш ҳисобига ушбу фармонда белгиланган минимумни эътиборга олган ҳолда ишловчиларнинг маошини янада кўпайтиришга доир чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Давлат банки, тегишли тижорат банклари, Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва идоралари, нафақа жамғармаси, Ижтимоий таъминот вазирлиги, бюджет ҳисобидаги муассасалар ва ўқув юртларининг раҳбарлари 1992 йилнинг 1 апрелигача ушбу фармонда белгиланган пенсиялар, стипендиялар ва иш ҳақи миқдорларидан келиб чиқиб, аванс тўловларини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ушбу фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

9. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги бир ой муддат ичида амалдаги қонунларни мазкур фармонга мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин.

10. Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамаси ва Давлат банки зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 26 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## УРТОҚ Н. Ё. ҒОЙИБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Ғойибов Наим Ёвқочевич бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси маданият вазири вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 27 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## РЎЗА ҲАЙИТНИ ДАМ ОЛИШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишларини инобатга олиб ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр-оқибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам — Рўза ҳайит («Ийд ал фитр»)ни бу йил 4 апрель куни ва кейинги йилларда эса рўза ҳайитнинг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 27 март.

## Бугун—Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимларининг қурултойи очилади



Республикамизнинг энг кенжа — Навоий вилоятидан Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ходимлари қурултойига келган бир гуруҳ илғорларни улар қўналғаси—«Тошкент» меҳмонхонаси олдида мухбиримиз А. Зуфаров суратга туширди.

*• Сўз—қурултой қатнашчисига*

# БЎШ ҚОП ТИК ТУРМАЙДИ

Отам раҳматлик 37 йил чўпонликни касб қилиб эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган киши эди. Унинг меҳнати муносиб баҳоланиб икки марта қаҳрамонлик Олтин юлдузи билан тақдирланди. Тўнғич ўғил бўлганлигим учун ҳам ёшлигимдан отамга эргашиб чўпонликда кўзим пишди, суягим меҳнатда қотди, десам муболаға эмас. 1963 йилда падарим чўпонлик таёғини бутунлай менга топширди.

Йигирма беш йил сурувга сурув қўшиб, чўпонлар ҳаётида неки яхши кунлар бўлса, нашидасини сурдим, оғир кунларнинг азобини тортдим. Лекин ҳаётимдан асло нолимайман. Бахтли инсонлар тоифасиданман, дейишга ҳаққим бор. Чунки отам бошлаган ишни мендан сўнг набираси Эржон ва турмуш ўртоғим Қўшкингул давом эттирмоқдалар. Давлат хўжалигига отамнинг номи берилган. Ўзим 10.100 бош қоракўл қўй бўлган ана шу фермага мудирман. Бу йилги тўл мавсумининг бошланиши ёмон эмас. Совлиқларнинг учдан бир қисми қўзилади. Ҳозирги хомчўтларга кўра жами 5600 бош ёки 63 фоиз қўзилар ўстиришга қолдирилади. Ана шу кўрсаткични хўжалигимиз бўйича тадбиқ этадиган бўлсак, ҳозир мавжуд бўлган 40 минг бош қўй 70 мингга етказилади.

Бундай улкан чорвани асрашнинг ўзига хос ташвишлари бор. Бизни қийнайдиган муаммолардан бири чўпонлар ва қўйларни ичимлик сув билан таъминлашдир. Ичимлик сув 100 километр масофадан ташиб келтирилади. Ёнилғининг бир литри фалон сўм бўлиб турган ҳозирги вақтда бу албатта бизга арзонга тушаётгани йўқ. Бир неча йилдирки, Амударёдан сув келтириш мақсадида ётқизилган қувурлар 40 километрлик масофага келиб тўхтаб қолди. Уни давом эттиришнинг имконияти йўқ бўлса, лоақал қувур келган жойгача сув чиқариб берилса ҳам мушкулимиз бирмунча енгиллашарди.

Кейинги уч йил давомида яйловларимиздаги табиий ўтларнинг гавҳари паст. Бизнинг фикримизча, бу Оролбўйи минтақасидаги табиий офатнинг таъсири. Агар аҳвол шундай давом этаверса, яна 1—2 йилдан сўнг бу атрофларда гиёҳ битмайди. Раҳбар ташкилотлар бу хавф-хатарнинг олдини олиш тадбирларини шу кунларда кўришлари лозим.

Шунингдек, ҳамма жойлардаги каби бизнинг отарларимизда ҳам ветеринария дори-дармонларини етказиб бериш ночор аҳволда. Худо кўрсатмасин, моллар ўртасида бирор касаллик тарқалгудек бўлса, кейинги пушаймондан наф йўқ. Бу муаммо устида жиддий бош қотирмоқ зарурлигини қурултой иштирокчилари ҳам маъқуллашларига ишончим комил.

Икки оғиз чўпонларнинг турмуш шароитлари тўғрисида. Уларнинг кўпчилиги чўлу биёбонларда ҳаёт кечиришади. Кўп ҳолларда бошқалар каби бола-чақаларини ўқитиш, жойлаштириш учун бирор район ёки хўжалик марказий қўрғонига уй қуришлари лозим бўлганда, уларга қурилиш материалларини топиш, иморатни тиклашда ёрдам кўрсатилмайди.

Шунингдек, талонга берилаётган ун, шакар, чой, гуруч каби озиқ-овқат маҳсулотларининг чўпонларга берилаётган нормасини савдо шохобчаларининг йироқлиги, иш шароитлари ҳисобга олинган ҳолда кўпайтириш керак. Чунки бўш қоп тик турмайди, деганларидек, қорни оч одамни чўлда ҳам, бийда ҳам тўхтатиб туриш қийин.

**Жақсилиқ БАЛИМОНОВ,**
**Томди районидаги Жабай Балиманов номли қоракўлчилик совхозининг ферма мудири.**

# Фестиваль байроғи кўтарилди

27 март куни Тошкентдаги Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон «Наврўз — 92» халқаро фестивали очилишига бағишланган тантанали кеча бўлди.

Анжуман ташкилий комитетининг раиси, республика Бош вазири ўринбосари Э. Самандаров Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг фестиваль қатнашчиларига табрикномасини ўқиб берди.

Атоқли ўзбек санъаткори, халқ артисти Н. Раҳимов меҳмонларни фестиваль бошланганлиги билан самимий табриклади. Театр уюшмалари халқаро конфедерацияси президенти К. Ю. Лавров, маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси вице президенти Т. Саидбоев, Тожикистон Театр арбоблари уюшмаси раиси, халқ артисти А. Муҳаммаджонов, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси раиси, халқ артисти Б. Қориевалар санъат байрамининг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Фестиваль очиқ деб эълон қилинади. Беш республика вакиллари тантанали мусиқа садолари остида фестиваль байроғини кўтарадилар.

Шундан кейин «Наврўз—90» фестивали ғолиби Тожикистондаги «Ахорун» театрининг «Юсуфнинг қайтиши» спектакли намойиш этилди.

Кечада Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров иштирок этди.

**(ЎзА мухбири.)**

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙСИН

**27 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар хонасида республика раҳбариятининг қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган фермерлар, ижарачилар, кичик корхоналар ходимлари ва томорқачилар билан учрашуви бўлиб ўтди.**

**Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов кириш сўзи билан очди.**

МУСТАҚИЛ Ўзбекистон олдида турган бугунги асосий вазифа, деди Президент, республикани жаҳонда энг тараққий этган, халқи фаровон турмуш кечираётган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишдир. Хўш, бунинг учун биринчи галда қайси соҳага зўр бериб, жадал ривожлантиришимиз зарур бўлади? Бу саволга мен, аввало, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, қишлоқ билан шаҳардаги ҳаёт даражасини тенглаштириш зарур, деб жавоб берган бўлур эдим, дея сўзини давом эттирди И. А. Каримов. Биз бугун шу масалада фикр алмашиб, бош йўл ва асосий вазифаларни аниқ белгилаб олмоғимиз керак. Туб мақсад — ҳамма музофотларда ишбилармонларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам беришдир. Асосий умид шулардан, чунки мустақил Ўзбекистоннинг келажагини шулар белгилайдилар. Аммо жойларда ҳокимлар, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ишбилармонлари билан ҳамжиҳатликда, бамаслаҳат, бир-бирларини тушуниб, ёнбосиб, кўмаклашиб иш юритмасалар мўлжалланган эзгу мақсадга эришиб бўлмайди.

Кенгашда Президент ҳузуридаги Давлат назорат қўмитасининг раиси М. Мирқосимов маъруза қилди. Ҳозирги энг долзарб муаммо, деди нотиқ, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талабини қондиришдир. Учрашувда айнан шу соҳа мутасаддилари, мутахассислари, ишбилармонлари иштирок этмоқдалар. Ҳозирги уддабурон яккахўжаликлар келажакдаги фермерлардир. Уларни ер билан таъминлаш, мол, парранда, бошқа зарур техника воситалари ҳамда ашёларни сотиб олишлари учун моддий ёрдам бериш масалалари ҳал этилган. Эндиги вазифа иштиёқ билан ишга киришишдир.

Бухоро, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёза бошлади. Чунончи, олтинсойлик Абдурауф ота ўзининг фермер хўжалигида 650 бошдан зиёд майда мол, 80 дан ортиқ новвос, 30 га яқин сигир боқаяпти. Улар учун 30 таноб ерда озуқа етиштирмоқда. Йиллик ўртача даромади 3 миллион сўмдан ошмоқда. Омонат кассадаги шахсий жамғармаси 750 минг сўмдан ошди.

Афсуски, бундай чинакам ишбилармонлар ҳали жуда оз. Фермерлик ҳаракатининг суръатлари бугун кун талабига мутлақо жавоб бермайди. Республикада мўлжалланган 200 минг таноб ердан эндигина 50 минг таноби яъни 25 фоизи хонадонларга бўлиб берилди, холос. Айрим вилоятларда ушбу кўрсатгич ҳали 7—10 фоиздан ошгани йўқ. Кўп жойларда экин майдонларидан ўта самарасиз фойдаланилаётган ҳолда, ер етишмаслиги баҳонаси билан фермер бўлишни истаётганлар талаби рад этиляпти. Ваҳоланки, ҳисоб-китобларга кўра жумҳуриятимиз ҳудудида 38 минг танобдан кўпроқ ўзлаштирилмаган ерлар бор.

Баъзи вилоятларда банк раҳбари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган майда корхоналарга «бу иш билан тайёрлов идоралари шуғулланишлари керак», деган баҳонада пул бермаяптилар. Ҳолбуки, аввалги тузумдан қолган тайёрлов идораларининг умри тугаб қолди энди. Бундан ташқари маҳаллий раҳбарлар кичик корхоналарнинг, фермер ва ишбилармонларнинг ички ишларига ғайрли мақсадларда аралашишга уринмоқдалар.

Хуллас, камчилик кўп. Бу муҳим ишга эскича ёндашиб бўлмайди энди. Қуруқ гаплардан амалий ишларга ўтиш пайти келди. Бунинг учун тўғаноқ бўлаётганлар, ишни атайлаб бузаётганлар номма-ном кўрсатилиб, албатта жазоланиши керак.

Бир нарсани яхшилаб тушуниб олмоқ лозим; жойларда шундай хато тушунча борки, гўё фермерлар фақат шахсий манфаатларини ўйлайдилар, бойлик орттириш пайида бўладилар. Халқ учун маҳсулот етиштираётган, шунга яраша даромад қилаётган эканлар бунинг нимаси ёмон. Ахир мақсад — аҳоли учун истеъмол молларини кўпайтириш эмасми?

Кенгашда сўзга чиққанлар жойларда фермерлар мактабларини ташкил этиш божхоналар ишини тартибга солиш юзасидан таклифлар киритдилар. Республика Президентининг фермерларнинг алоҳида банкини ташкил этиш тўғрисидаги таклифини учрашув қатнашчилари олқишлаб қўллаб-қувватладилар. Шунингдек, Президент ҳузурида фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи махсус гуруҳ тузиш таклифи ҳам ҳаммага маъқул тушди. Шундай қилинмаса, эски тузум сарқити бўлган бюрократлик ботқоғидан чиқиб бўлмайди.

Учрашувда республика раҳбарларининг қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган фермерлар, ижарачилар, кичик корхоналар ходимлари ва томорқачилар билан учрашуви қатнашчиларининг республика барча меҳнаткашларига Мурожаати қабул қилинди.

* * *

Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларининг қурултойи арафасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов вилоятлар, шаҳарлар ва районларнинг ҳокимлари билан, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раҳбарлари, район кенгашларининг раислари билан учрашди. Залда вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари бор эди.

Республика иқтисодиётини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш муаммолари ҳақида амалий, қизғин гурунг бўлди.

Учрашувда Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қатнашдилар.

**Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.**

## СОАТ МИЛЛАРИНИ СУРМАЙМИЗ

Россия давлат стандарт бошқармасининг эълон қилишича, Россияда 29 мартга ўтар кечаси ёзги вақт жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти идорасидан ЎзА мухбирига хабар қилишларича, Ўзбекистонда ёзги вақтга ўтиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобланмоқда. Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди бешинчи соат минтақасида жойлашган, шу сабабли вақт ҳисобини минтақа ҳисобида қолдириш қулайроқ.

Шундай қилиб, биз соатларнинг милларини сурмаймиз. Москва билан Ўзбекистон ўртасида тафовутга келганда, 29 мартдан бошлаб ўртадаги фарқ бир соат бўлади.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ* — *ЛОЙИҲА*

# ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ СИНИШИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу қонун хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият билан шуғулланиб, иқтисодий жиҳатдан ночор бўлиб қолган қарздорларни синган деб эълон қилиш тартиби ва шартларини белгилаб беради, шунингдек уларнинг мулкий муносабатларини манфаатдор томонларнинг ўзаро даъволарини мумкин қадар тўлароқ қондириш мақсадида тартибга солади.

Қонун мулкчилик шаклларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик (тадбиркорлик) фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан бошқа давлатлар хўжалик субъектларининг мулкий муносабатларига татбиқ этилади.

Қонун синган хўжалик субъектларини санация қилиш (соғломлаштириш) тадбирларини кўриш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаса, бундай субъектларни мажбурий тартибда тугатишга ёхуд қайта тузишга ҳуқуқий асос беради, у кредиторлар билан қарздорларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилгандир.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги хўжалик субъектлари синганда юзага келадиган муносабатларни йўлга солиш тартиби Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

### I БУЛИМ.

### УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1-модда. **Синиш тушунчаси ва аломатлари**

Хўжалик субъектининг синиши деганда тўлов учун маблағ етишмаслиги туфайли қарздорнинг кредиторлар талабларини муддатида қаноатлантиришга ва бюджет олдидаги мажбуриятларини бажаришга муттасил қурби етмаслигини ҳакамлик судининг эътироф этиши тушунилади.

Қарздорнинг тўлаши учун тақдим этилган қарз мажбуриятлари унга қарашли мол-мулкдан ортиб кетганлиги сабабли қарздорнинг жорий тўловларни тўхтатиб қўйиши синишнинг ташқи аломатидир.

2-модда. **Ночор қарздор, синиш субъектлари ва кредиторлар**

Хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга ошираётган ва тўлов учун маблағ етишмаслиги оқибатида кредиторлар ва бюджет олдидаги қарз мажбуриятларини таъминламаётган ёки таъминлай олмаслиги олдиндан маълум бўлиб қолган мулкчиликнинг барча шаклларига хос корхоналар, жамоат ташкилотлари ва ўзга ташкилотлар, банклар, шунингдек бошқа юридик шахслар, жисмоний шахслар (бундан кейин хўжалик субъектлари деб юритилади) ушбу қонуннинг амал қилиш доирасига кирадиган ночор қарздор ҳисобланади.

Синиш субъектлари (синганлар) ҳакамлик суди томонидан белгиланган тартибда эътироф этилган ночор қарздорлардир.

Кредиторлар қарздорга мулкий даъвоси бўлган юридик ёки жисмоний шахслардир.

3-модда. **Хўжалик субъектларининг мол-мулки ва мажбуриятлари**

Хўжалик субъектларининг мол-мулки (активлари) асосий жамғармалар, оборот маблағлари, молиявий ва номоддий активлардан иборат.

Хўжалик субъектининг мажбуриятлари (дотациялардан, ўз маблағлари ва баъзи бир бошқа манбалардан бўлак пассивлар) қарзга олинган ва жалб этилган маблағлардан иборат.

4-модда. **Синган субъектларнинг мулкий жавобгарлиги**

Барча хўжалик субъектлари қонунларда назарда тутилганидан бошқа ҳамма ҳолларда ўз мажбуриятлари юзасидан тўла мулкий жавобгардирлар.

Хўжалик субъектининг мулкий жавобгарлиги мулкчилик ҳуқуқи асосида ёхуд тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга тегишли бўлган мол-мулкка мулкдор томонидан ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган доирада жорий қилинади.

**(Давоми 2-бетда.)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ · ҚОНУНИ

ЛОЙИҲА

# ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ СИНИШИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Корхоналарнинг мулкдорлари бўлган жисмоний шахслар ўз мажбуриятлари юзасидан, башарти Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзга қоидалар назарда тутилмаган бўлса, корхонанинг бутун мулки билан жавобгар бўладилар.

Юридик шахс бўлмай туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар ўз мажбуриятлари юзасидан ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадилар.

Мол-мулки етмаган тақдирда қарздор ўз қарзи юзасидан қонунларда белгилаб қўйилган тартиб ва миқдорда жавоб беради. Ҳақ ундириш мумкин бўлмаган мол-мулклар қонун билан белгиланади.

Шартнома (битим, контракт) бўйича ёлланиб ишловчи шахслар хўжалик субъектларининг қарзлари юзасидан мулкий жавобгар бўлмайдилар.

Хўжалик субъектларининг синиши билан боғлиқ мулкий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар ночор бўлиб қолган қарздор турган жойдаги ҳакамлик суди томонидан қараб чиқилади.

5-модда. **Хўжалик субъектининг синишига олиб келган хатти-ҳаракатларни қилган шахсларнинг жиноий жавобгарлиги**

Мол-мулкни яшириш ёки бошқа бирон-бир йўл билан ўз тижорат ишларини ёмон ниятда ёхуд қасддан синишга олиб борган тақдирда, шунингдек шахсий манфаатни ёки учинчи шахслар манфаатини кўзлаб атайин тўлов қобилиятсизлигини келтириб чиқарганлиги ёхуд кучайтирганлиги учун, қолаверса кредиторлардан уларга тўлаш лозим бўлган тўловлардан чегирма олиш ёинки тўлов муддатини узайтириш мақсадида ўзининг ночор аҳволга тушиб қолганлиги хусусида атайлаб сохта эълон берганлик учун айбдорлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан жиноий жавобгар бўладилар.

## II БЎЛИМ. ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТИНИНГ СИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ҚЎРИБ ЧИҚИШ

6-модда. **Хўжалик субъектининг синганлиги тўғрисида иш қўзғаш**

Қарздор ёки кредиторнинг аризаси ҳакамлик судида синганлик тўғрисида иш қўзғаш учун асос бўлади.

Хўжалик субъектининг синганлиги тўғрисида қуйидаги ҳолларда иш қўзғаш мумкин:

хўжалик субъекти қарз мажбурияти шартларини ўз вақтида тўла ҳажмда бажаришга қодир бўлмай қолса;

агар хўжалик субъекти тўлов ҳақида ёзма талабнома олганидан кейин уч ой мобайнида шартномадаги тўловларни тўлай олмаса;

қарз мажбуриятларининг қиймати хўжалик субъекти мол-мулки қийматидан ортиб кетса;

хўжалик субъекти иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолганлигини эътироф этса.

7-модда. **Ночор қарздорнинг аризаси**

Ночор қарздорнинг аризаси қарздор истиқомат қиладиган жойдаги ҳакамлик судига корхона раҳбари (тадбиркор) ёки бошқа ваколатли шахс томонидан ёзма шаклда берилади.

Ўзининг тўловга доимий лаёқатсизлигини кўрсатиб ёзилган ариза шундай лаёқатсизлик вужудга келган ёки синиш таҳдиди юзага келган пайтдан бошлаб уч ойдан кечикмай берилади. Аризага кредиторлар билан қарздорларнинг рўйхати ҳамда корхона (ташкилот)нинг бухгалтерия баланси илова қилинади.

8-модда. **Ночор қарздорнинг ариза бермаганлиги (кечикиб берганлиги) учун жавобгарлиги**

Тўловга лаёқатсизлик тўғрисида аризани бермаганлиги ёки кечикиб берганлиги учун ҳакамлик суди хўжалик субъектининг раҳбарига икки ойликкача бўлган иш ҳақи миқдорида жарима солади.

9-модда. **Кредиторнинг аризаси**

Кредитор қарздор истиқомат қиладиган жойдаги ҳакамлик судига аризани ёзма шаклда беради ва унга қарздор томонидан эътироф этилган талаб тўланмаган кундан бошлаб уч ой мобайнида қаноатлантирилмаган, лекин ҳужжатлар билан тасдиқланган талабларни илова қилади.

10-модда. **Аризани қайтариб олиш**

Қарздорнинг ўзини ночор деб деб эътироф этиш тўғрисидаги аризаси ҳакамлик судининг тегишли қарорисиз қайтариб олиниши мумкин эмас.

Кредитор ўзининг аризасини ҳакамлик суди ночор қарздорни синган деб қарор қабул қилгунига қадар қайтариб олиши мумкин.

11-модда. **Ишни кўришга қабул қилиш**

Ҳакамлик суди ночор қарздорнинг ташаббуси билан синганлик тўғрисида иш қўзғаётганда кредиторлардан қарздорга қилинадиган даъволарни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиб олади.

Ҳакамлик суди кредиторнинг талаби билан иш қўзғаётганда қарздордан кредиторлар ва қарздорлар рўйхатини ҳамда корхона (ташкилот)нинг бухгалтерия балансини талаб қилиб олади.

Ҳакамлик суди тақдим этилган ҳужжатларнинг қанчалик асослилиги ва ишончлилигини текширади ҳамда текшириш натижаларига қараб ўн кунлик муддат ичида уларни кўриб чиқишни рад этади ёки кўриб чиқиш учун қабул қилади.

Хўжалик субъектининг синганлиги тўғрисидаги ишни қараб чиқиш учун бу иш кўриб чиқишга қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида қарздор қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган материалларни ҳакамлик судига топширишга мажбур:

юридик шахснинг номи;

юридик шахс фаолиятининг ташкилий шакли;

мулкнинг шакли;

муассислар тўғрисидаги маълумотлар;

юридик шахс ва унинг филиаллари жойлашган ер;

почта адреси;

фаолият предмети ва мақсади;

юридик шахс идораси;

ҳакамлик суди ишни кўришга қабул қилган кундаги бухгалтерия баланси;

дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг баёни.

Агар қарздор якка тартибда иш юритадиган тадбиркор бўлса, у қуйидаги маълумотларни тақдим этади:

фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти ва жойи;

паспортдаги маълумотлар (серияси, номери, ким томонидан ва қачон берилганлиги);

турар жойи ва почта адреси;

тадбиркорлик фаолиятининг тури;

агар ишлаб чиқариш биноси бўлса, унинг жойлашган ери;

рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

даромадлар тўғрисидаги декларация.

Ҳакамлик суди қарздорнинг мулкий аҳволи тўғрисида ўзига зарур бўлган бошқа маълумотларни ҳам талаб қилиб олиши мумкин.

Талаб қилинган ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилмаган тақдирда ҳакамлик суди корхона (ташкилот) раҳбарига, тадбиркорга ва айбдор мансабдор шахсларга икки ойлик иш ҳақи миқдорида жарима солишга ҳамда баланс, бошқа зарур ахборотларни тузиш ва тақдим этишни мустақил аудиторлар хизматига топширишга ҳақлидир.

12-модда. **Ишни кўриб чиқишда дастлабки тадбирлар**

Ҳакамлик суди ишни кўриб чиқиш учун қабул қилиб олган кундан бошлаб бир ҳафтадан кечиктирмай мажлис тайин қилади, унга қарздорнинг ўзи, қарздор рўйхатга олинган жойдаги банкларнинг, молия ва солиқ идораларининг вакиллари, кредиторлар, шунингдек давлат мулкини бошқаришга ваколатли идоранинг вакиллари (қарздорнинг мол-мулкида давлатнинг иштироки бўлса) таклиф қилинади.

Ночор қарздор ёки унинг мол-мулки эгасининг вакили хўжалик субъектининг синганлиги тўғрисидаги ишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида ва санация (соғломлаштириш) тадбирлари ўтказиш ҳақида илтимос қилишлари мумкин.

Ҳакамлик суди санация ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани бир ҳафталик муддат ичида қараб чиқади ва уни қаноатлантириш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Санация ўтказиш мумкинлигини ёки бу иш мақсадга қанчалик мувофиқлигини аниқлаш учун ҳакамлик суди мустақил экспертларни (аудиторларни) жалб этишга ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ чиқимларни қарздор зиммасига юклашга ҳақлидир.

Кредиторларнинг ночор қарздорга мулкий даъволарини қондириш ва ҳакамлик чиқимларини қоплаш юзасидан учинчи шахснинг кафолати бўлмаса, ҳакамлик суди лаёқатсиз қарздорни санация қилишда иштирок этишни истовчи юридик шахслар ва фуқаролар танлови эълон қилишга ҳақлидир. Агар икки ҳафта ичида бундай шахс ва фуқаролар топилмаса ёки уларга таклиф этилган санацияда қатнашиш шартларига қарздор рози бўлмаса, ночор қарздорнинг синганлиги тўғрисидаги иш ушбу қонунда назарда тутилган тартибда қараб чиқилади.

Хўжалик субъектининг синганлиги тўғрисидаги ишни кўришни ёткизиш мақсадида қарздор, у синган деб эътироф этилгунига қадар, кредиторларга мурожаат қилиб, келишув битими тузишни, тўловларни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш, қарзнинг бир қисмини чегиришни таклиф этиши мумкин. Кредиторлар билан қарздорнинг келишув битимини тузганлиги ҳакамлик суди томонидан тасдиқланади.

13-модда. **Мол-мулкида давлат иштирок этадиган корхоналар учун ишни кўриб чиқишда дастлабки тадбирларнинг хусусиятлари**

Қарздорнинг мол-мулкида давлат иштирок этаётган бўлса, хакамлик суди икки ҳафталик муддат ичида давлат мулкини бошқаришга вакил қилинган тегишли идорани иш кўриб чиқиш учун қабул қилиб олинганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Давлат мулкини бошқаришга вакил қилинган идора хабардор бўлган пайтдан бошлаб беш кунлик муддат ичида санациянинг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ўз қарорини ҳакамлик судига маълум қилади.

Давлат мулкини бошқаришга вакил қилинган идора санация тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда кредиторларнинг мулкий даъволарини қаноатлантиришни ва ҳакамлик чиқимларини қоплашни кафолатлайди.

Давлат мулкини бошқаришга вакил қилинган идоранинг тегишли тартибда расмийлаштирилган кафолатномаси ҳакамлик судининг ишни кўришни тўхтатиши учун асос ҳисобланади.

Кредиторларнинг талаблари қондирилган тақдирда хўжалик субъектининг синиши тўғрисидаги иш ёткизилади.

Кредиторларнинг талаблари қондирилмаган тақдирда ишни кўриш қайта тикланади. Бунда қарздорнинг ушбу қонуннинг 12-моддасига мувофиқ ҳакамлик судига илтимос билан мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

14-модда. **Банклар учун ишни кўриб чиқишда дастлабки тадбирларнинг хусусиятлари**

Банк қарздор бўлган ҳолларда унинг уставини рўйхатга олган банк муассасаси иш қараб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисида хабардор қилинади. Мазкур муассаса беш кунлик муддат ичида ҳакамлик судига банкни санациялаш қанчалик мақсадга мувофиқлиги ва бу тадбирларда қай даражада иштирок этиши мумкинлиги тўғрисидаги ўз хулосасини тақдим этмоғи лозим. Бу хулосанинг мазмуни қарздор банкнинг илтимоси қараб чиқилаётганда ҳакамлик суди томонидан инобатга олинади.

15-модда. **Ҳакамлик судининг ночор қарздорни синган деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори**

Санациялаш ёки келишув битими тўғрисида илгари қабул қилинган қарорлар муносабати билан эҳтимол тутилган кечиктиришларни ҳисобга олган ҳолда ҳакамлик суди томонидан белгиланган муддатда, лекин ишни кўришга қабул қилиб олинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай ҳакамлик судининг мажлиси ўтказилиб, унда иш материалларини қараб чиқиш асосида ночорликда қолган қарздорни синган деб топиш ва тугатиш ишини бошлаб юбориш тўғрисида ёхуд аризани рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилади.

Кредиторларнинг хўжалик субъектига бўлган талаблари рад этилган тақдирда ҳакамлик суди кўрилган маънавий ва моддий зарар учун тўланадиган товон миқдорини белгилашга ҳамда уни хўжалик субъектининг фойдасига ундириб беришга ҳақлидир.

Хўжалик субъекти суднинг ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар ўз хўжалик фаолиятини давом эттириш ҳуқуқига эгадир.

Синиш тўғрисидаги ишни кўришнинг ҳар қандай босқичида ночорликка тушиб қолган қарздор ёки унинг муассиси (муассислари) қарздор томонидан тўланмаган қарзга баробар маблағни гаровга қўйиши мумкин. Бундай ҳолда ишни кўриш бир йилгача муддатга тўхтатиб турилади.

16-модда. **Хўжалик субъектини синган деб эълон қилиш**

Ночор қарздорни синган деб топиш ва тугатув ишини қўзғаш тўғрисидаги қарор ҳакамлик суди томонидан расмий матбуотда эълон қилинади. Эълон қилиш ҳақи қарздор ҳисобидан тўланади.

Эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

ишни кўриб чиқадиган ҳакамлик судининг номи;

ночор қарздорнинг номи ва жойлашган ери;

тугатув ишини қўзғашга асос бўлган ариза берилган сана, шунингдек ўзларининг қарздорга бўлган даъволарини эълон чиққан пайтдан бошлаб бир ой ичида беришлари зарурлиги тўғрисида кредиторларга мурожаат.

17-модда. **Тугатув ишини қўзғашнинг ночор қарздор учун оқибати**

Хўжалик субъекти синган деб эълон қилинган пайтдан бошлаб қарздорнинг мулкни мусодара этиши, бошқаларга бериши ва қарзни узиши тақиқланади, дивидендлар, солиқлар ва тўловларни тўлаш тўхтатиб турилади.

Ночор қарздор қарз юзасидан олган барча мажбуриятларнинг муддатлари ўтиб кетган ҳисобланади, унинг олдига янги талаблар қўйишга йўл қўйилмайди.

Ночор қарздорнинг барча турдаги қарзлари бўйича пеня ва фоиз қўшиб ёзиш тўхтатилади. Бундай қарздорнинг мулкидан ҳақ ундириш борасидаги барча чеклашлар бекор қилинади. Ҳакамлик судида ночор қарздор иштирокида кўрилаётган мулкий низолар, агар улар юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирмаган бўлса, тўхтатилади.

Мулкий ёки молиявий тусдаги барча талаблар шу пайтдан бошлаб фақат тугатиш иши доирасидагина қарздор олдига қўйилиши мумкин.

## III БЎЛИМ. ТУГАТИШ ИШИНИ ЮРИТИШ

18-модда. **Тугатиш ишининг мақсадлари**

Тугатиш иши кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қондириш ва ночор қарздорни қарзлардан озод деб эълон қилиш, томонларни бир-бирига нисбатан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилади.

19-модда. **Тугатиш ишининг иштирокчилари**

Ҳакамлик суди, ишончли шахс, кредиторларнинг йиғилиши (кредиторлар комитети), ночор қарздор ва бошқа манфаатдор томонлар тугатиш ишининг иштирокчилари ҳисобланади.

20-модда. **Тугатиш ишини юритишда ҳакамлик судининг вазифалари**

Ҳакамлик суди:

тугатиш ишини қўзғатади ва ёткизади;

амалдаги қонунларга мувофиқ ишончли шахсни тасдиқлайди ва тугатиш комиссиясини тузади;

кредиторлар йиғилишини чақиради;

тугатиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

тугатиш ишининг иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал қилади.

21-модда. **Тугатиш комиссияси**

Хўжалик субъектини синган деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ҳакамлик суди ишончли шахс бошчилигида тугатиш комиссиясини тузади.

Тугатиш комиссияси:

синган корхона тугатилиши тўғрисида кредиторлар ва манфаатдор томонларни хабардор қилишга;

синган корхонанинг пул маблағларини битта банкдаги ягона счётга жамлашга;

синган корхонанинг мол-мулклари, шу жумладан гаровга қўйилган мулклари тўғрисида ҳисобот тузишга;

тугатиш режасини тайёрлашга;

жорий ишларни охирига етказишга;

синган корхона мулкини манфаатдор томонлар манфаатини кўзлаб босқичма-босқич тугатишга;

кредиторларга, ҳакамлик судига, давлат, назорат ва солиқ идораларига, бошқа манфаатдор ташкилотлар ва шахсларга синган корхонанинг мол-мулклари тўғрисида, мулкни тугатиш жараёни қандай бораётганлиги ҳақида зарур ахборотлар беришга;

синган корхонани тугатиш қандай ўтганлиги тўғрисида якунловчи ҳисобот тайёрлашга ва уни ҳакамлик судига тақдим этишга мажбурдир.

22-модда. **Синган корхонани тугатиш режаси**

Синган корхонани тугатиш режаси:

синган корхона молиявий аҳволининг тўла ва холис манзарасини;

кредиторларнинг даъволарини қондириш шартлари, тартиби, навбати ва мутаносиблигини;

синган корхона эгасининг, меҳнат жамоасининг манфаатлари қанчалик ҳисобга олинганлигини;

сотилиши лозим бўлган мол-мулкларнинг рўйхатини;

мол-мулкни сотиш усули, жойи ва вақтини;

суд харажатларини тўлаш шартларини, экспертларнинг, тугатиш комиссияси аъзоларининг, ишончли шахсларнинг ва бошқа шахсларнинг фаолиятини акс эттирмоғи лозим.

Синган корхонани тугатиш режаси кредиторлар билан келишиб тузилиши керак ва агар бу режа, даъво суммасининг камида учдан икки қисмига эга бўлган кредиторлар томонидан қувватланса, маъқулланган ҳисобланади. Агар тугатиш режаси маъқулланмаса, кредиторлар эса синган корхонани тугатиш учун ўзлари тузган режани суд белгилаган муддатда тақдим этмасалар, суд тугатиш комиссияси тақдим этган режани тасдиқлайди.

Агар иш хўжалик субъектининг ташаббуси билан қўзғатилган бўлса, у ўзининг корхонани тугатиш режасини тақдим этишга ҳақлидир.

Ҳакамлик суди тасдиқлаган тугатиш режаси асосида мол-мулклар сотилади ва қарздорга бўлган даъволар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда қондирилади.

23-модда. **Тугатиш ишини юритувчи ишончли шахс ва унинг ҳуқуқлари**

Тугатиш ишини юритувчи ишончли шахс жисмоний ёки юридик шахс бўлиши мумкин. Ишончли шахс:

кредиторлар даъвосини қондириш учун мўлжалланган мол-мулкларни расмийлаштиради;

қарздорнинг тугатиш иши қўзғатилган пайтдаги молиявий аҳволи ва мол-мулки тўғрисида ҳакамлик судига, давлат назорат ва солиқ идораларига, шунингдек кредиторларга ахборот тақдим этади;

тугатиш комиссияси фаолиятига раҳбарлик қилади;

ишни олиб бориш учун бухгалтер ва бошқа шахслар тайинлайди;

экспертлар жалб этади;

хўжалик субъектининг ишлаб чиқариш фаолиятини тақиқлаб қўйиш ёки унга рухсат этишга ҳақли;

синиш тўғрисидаги иш бошланишидан ёки мулкларни яшириб қолиш ёхуд солиқларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида иқтисодий ночорлик тўғрисида ариза берилишидан олдинги бир йил мобайнида хўжалик субъекти томонидан тузилган битимларни, шунингдек хўжалик субъекти битим тузиш натижасида мол-мулкнинг бозорда сотиш пайтидаги баҳосига нисбатан анча паст ҳақ олган бўлса ёки хўжалик субъекти тўловга лаёқатсиз бўлса, бундай битимларни ҳақиқий эмас деб топиш масаласини ҳакамлик суди олдига қўйиши мумкин;

хўжалик субъектининг мол-мулкларини бошқариб туради.

Хўжалик субъекти ишончли шахснинг талаби бўйича унга қарз суммасини ҳам кўрсатиб, ўз кредиторлари ва дебиторларининг тўла рўйхатини, актив ва пассивларнинг мукаммал балансини, молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, дафтарлар, счётлар ва бошқа ҳужжатлардаги барча зарур маълумотларни тақдим этишга мажбурдир.

24-модда. **Кредиторларнинг йиғилиши**

Кредиторлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига кредиторлар, ишончли шахс ва ночор аҳволга тушиб қолган қарздор эга.

Кредиторлар йиғилиши:

ишончли шахс номзодини тасдиқлаш учун ҳакамлик судига тақдим этади;

ночор аҳволга тушиб қолган қарздорнинг мол-мулкини олиб қўйиш билан боғлиқ айрим битимлар тузишга рухсат беради;

келишув битими тузиш тўғрисида таклифлар киритиши мумкин;

ишончли шахс иши устидан назорат олиб боради;

кредиторлар комитетини тузиши мумкин, бу комитет йиғилишнинг оператив ишлайдиган идораси ҳисобланади, кредиторлар комитетининг вазифасини кредиторлар йиғилиши белгилайди.

Кредиторлар йиғилиши, башарти унда қарздор мажбурияти умумий суммасининг камида учдан икки қисми миқдорида даъво қилаётган, ҳал қилувчи овозга эга бўлган кредиторлар қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Йиғилишда ишончли шахслар кредиторлар номидан вакил бўлиб қатнашишлари мумкин.

Кредитор, башарти, ночор аҳволга тушиб қолган қарздорга нисбатан эътироф этилган талаблар эгаси бўлса ва мазкур ишда ўзгача манфаат кўзланмаса, кредиторлар йиғилишида овоз ҳуқуқига эгадир.

25-модда. **Кредиторнинг (кредиторларнинг) ҳуқуқлари**

Кредитор (кредиторлар) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳакамлик судида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш;

синган корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида ва унинг мол-мулкининг ҳолати тўғрисида маълумот олиш;

ишончли шахснинг хатти-ҳаракатини назорат қилиб туриш;

синган корхонани тугатиш режаси билан танишиб чиқиш;

ишончли шахснинг, тугатиш комиссиясининг ҳакамлик судидаги хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

26-модда. **Мол-мулкни ва қарзни баҳолаш**

Ночор қарздорнинг барча активлари, улар балансларда кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, тугатиш массасини ҳосил қилиш учун асос бўлади.

Тугатиш ишлари жараёнида ишончли шахс жалб этилган экспертлар ёрдамида ночор қарздорнинг мол-мулки ва мажбуриятларини рўйхатга олади ва баҳолайди.

Кимошди савдосида сотиладиган мол-мулк учун баҳолаш қиймати унинг дастлаб белгиланган нархи бўлади.

Ночор қарздорники бўлмаган мол-мулклар, шу жумладан:

корхоналар, ташкилотларнинг ёлланиб (шартнома, битим бўйича) ишловчи ходимларининг шахсий мулклари;

қарздор ижара ҳуқуқи асосида фойдаланаётган мулклар;

қарздор жавобгарлиги остида сақланаётган товарлар;

амалдаги қонунларга биноан қарздорнинг мулки бўлмаган бошқа мол-мулклар тугатиш массасига киритилмайди.

27-модда. **Синган корхонанинг мол-мулкини сотиш**

Синган корхонанинг мол-мулки кимошди савдосини ташкил қилиш йўли билан сотилади. Тугатиш комиссияси савдони ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида савдо бошланишидан камида ўн кун олдин расмий матбуотда эълон чиқаради. Қарздорнинг мулки босқичма-босқич сотилиши мумкин, лекин ҳар доим ошкора равишда ва тугатиш пайтидаги бозор баҳосидан паст бўлмаган нархларда сотилиши керак.

Агар тугатиш режасида меҳнат жамоасининг корхона мол-мулкини сотиб олиши ва унинг қарзларини тўлаши назарда тутилган бўлса, у ҳолда мол-мулкни сотиш савдо йўли билан эмас, балки «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

28-модда. **Синган хўжалик субъектининг мулкини тақсимлаш тартиби ва навбати**

Мол-мулкни сотишдан тушган пул синган корхонани тугатиш режасига мувофиқ ҳолда кредиторлар ўртасида тақсимланади. Тўловлар қарздор мол-мулкининг сотилишига қараб тўлаб борилади. Охирги тўлов мол-мулк бутунлай сотиб бўлинганидан кейин тугатиш режасига мувофиқ амалга оширилади.

Тугатиш ишини олиб бориш, ишончли шахс вазифаларини бажариш билан боғлиқ чиқимлар, шунингдек корхонанинг ишни давом эттириши билан боғлиқ чиқимлар навбатдан ташқари қопланади.

Алимент, пенсия ва нафақалар ундириш бўйича талаблар, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар, адвокатларнинг ва ҳуқуқий ёрдам бериш борасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг кўрсатган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги талаблари, экспертларнинг, аудиторлик хизматнинг талаблари, шикастланиш ёки соғлиққа бошқа хил зиён етиши туфайли, шунингдек боқувчисини йўқотиши муносабати билан шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича талаблар биринчи галда қондирилади.

Иккинчи навбатда давлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар, бюджетга солиқдан бошқа хил тўловлар бўйича талаблар ҳамда давлат суғурта ва ижтимоий таъминот идораларининг талаблари қондирилади.

Учинчи навбатда кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари қондирилади. Банклар бундай талаблар бўйича устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Тўртинчи навбатда кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари қондирилади.

Бешинчи навбатда меҳнат жамоаси аъзолари орасидаги акция эгаларининг ва қарздор корхонани бошқаришда қатнашмайдиган инвесторларнинг талаблари қондирилади.

Олтинчи навбатда қолган барча талаблар қондирилади.

Навбатдаги ҳар бир талаб олдинги навбатдаги талаблар тўла бажарилганидан кейин қондирилади.

Ундириб олинаётган сумма биринчи ва иккинчи навбатдаги талаблардан бошқа барча талабларни тўла қондиришга етмаса, бу талаблар ҳар бир ундирувчи олиши лозим бўлган суммага мутаносиб равишда қондирилади.

Ундириб олинаётган сумма биринчи ва иккинчи навбатдаги талабларни қондириш учун етмаса, қарз корхона муассисларидан уларнинг корхонага берган маблағларига мутаносиб улушларда шак-шубҳасиз ундириб олинади.

Охирги тўлов тўланганлиги тўғрисида махсус билдириш эълон қилинади.

Тугатилаётган мол-мулк қийматининг кредиторлар талаблари қондирилганидан ва иш юритиш чиқимлари тўланганидан кейин қолган қисмини мол-мулк эгаси бўлган қарздор олади.

Тугатиш жараёнида сотилмай қолган мол-мулкдан унинг эгаси бўлган қарздорнинг кўрсатмаси бўйича фойдаланилади.

Мол-мулк етмаганлиги сабабли қондирилмай қолган қарз мажбурияти бекор бўлган ҳисобланади.

29-модда. **Тугатилаётган хўжалик субъекти ходимларининг ҳуқуқлари**

Тугатилаётган хўжалик субъектида ёлланиб ишловчи шахсларнинг ҳуқуқлари қонунлар билан тартибга солинади.

Хўжалик субъекти тугатилганда қарздорга бўлган даъволарни қондириш навбатидан қатъий назар, ходим шикастланганлиги, соғлиғига бошқа йўсинда зиён етганлиги муносабати билан ёхуд унинг вафоти муносабати билан шу корхонадан ундирилиши лозим бўлган кечиктирилган тўловлар капиталга айлантириб қўйилади.

30-модда. **Тугатиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш**

Тугатиш жараёни охирига етгач, тугатиш комиссияси ҳакамлик судига ўз фаолияти тўғрисида тугатиш балансини ва даъволар қондирилганидан сўнг қолган маблағлардан қандай фойдаланилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни илова қилиб якунловчи маълумотни тақдим этади.

Ҳакамлик суди тугатиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлайди, тугатиш ишини тамомлаш тўғрисида қарор қабул қилади ва ўз қарори тўғрисида корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказувчи идорага хабар беради.

31-модда. **Хўжалик субъекти фаолиятини тўхтатиш**

Хўжалик субъекти давлат рўйхати реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб унинг фаолияти тўхтатилган деб, синганлик тўғрисидаги иш тугалланган деб, қарздор эса қарзлардан ҳоли деб ҳисобланади.

## IV БЎЛИМ. ТУГАТИШ ИШИДА КЕЛИШУВ БИТИМИ

32-модда. **Келишув битимига эришиш имкониятлари**

Тугатиш жараёнининг исталган босқичида қарздор билан кредиторлар ўртасида келишув битими тузилиши мумкин.

Келишув битими тугатиш ишларини юритиш билан боғлиқ қуйидаги чиқимлар:

ишончли шахс вазифаларини бажариш;

хўжалик субъекти ўз ишини давом эттириши;

алиментлар, пенсиялар ва нафақалар тўлашга оид талабларни қондириш;

ишчи ва хизматчиларга меҳнат-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган тўловларни тўлаш;

бюджетга солиқлар ва солиқдан бошқа тўловларни тўлаш;

давлат суғурта ва ижтимоий таъминот идораларига ажратмалар ажратиш;

олдинги навбатдаги кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш чиқимлари қопланганидан кейин фақат учинчи ва ундан кейинги навбатлардаги даъволар бўйича тузилиши мумкин.

33-модда. **Келишув битими тузиш шартлари**

Келишув битими, агар уни кредиторларнинг камида учдан икки қисми (даъволар суммаси бўйича) ёқлаб фикр билдирса, тузилган ҳисобланади.

Келишув битими тузилишига рози бўлмаган кредиторлар учун келишув битимига розилик билдирган ва даъволари навбати бир хил бўлган кредиторлар учун белгиланганидан ёмонроқ шароит белгиланиши мумкин эмас.

34-модда. **Келишув битимини ҳакамлик судида кўриш**

Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида илтимоснома берганда қарздор шундай битим лойиҳасини, шунингдек, корхона балансини, учинчи ва ундан кейинги навбатдаги барча кредиторлар рўйхатини уларнинг адреслари ва қарз суммасини ҳам кўрсатиб тақдим этишга, шунингдек келишув битимига дахли бўлмаган даъволар бўйича қарзлар узилганлиги тўғрисида маълумотнома келтириб беришга мажбур.

Келишув битими тўғрисидаги масала кўриладиган кун ҳақида манфаатдор томонларни ҳакамлик суди хабардор қилади. Чақирилган шахсларнинг келмаслиги ишнинг кўрилишига тўсқинлик қилмайди.

Ҳакамлик суди ўз мажлисида келишув битими тузилишига эътироз билдираётган ҳар бир кредиторни, ҳатто у кредиторлар йиғилишида ана шу битимни тузишни ёқлаб чиққан бўлса-да, тинглаши шарт.

Келишув битими тузилиши натижасида кредиторларнинг талаби қарз суммасининг камида 35 фоизи миқдорида қондирилиши керак. Агар қарздор тўловларни бир йилдан ортиқ муддатга кечиктириб туришни илтимос қилса, қарзларнинг камида 40 фоизи қайтарилиши керак, агар кечиктириш 18 ойдан ортиқ бўлса, кредиторларнинг қондирилган талаблари қарз суммасининг 50 фоизидан ортиғини ташкил этмоғи керак.

35-модда. **Келишув битими тузиш**

Келишув битими ёзма равишда тузилади ва уни ҳакамлик суди тасдиқлайди. Бу қарор рўйхатга киритилган барча кредиторлар учун мажбурийдир ва ҳакамлик суди тасдиқлаган кундан бошлаб кучга киради.

36-модда. **Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш**

Агар ночор қарздор ўзининг балансдаги мулкини нотўғри кўрсатган бўлса, исталган кредиторнинг даъвоси бўйича ҳакамлик суди келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда:

келишув битимининг шартлари бажарилмаганида;

қарздорнинг молиявий аҳволи ёмонлашуви давом этиб, бу ҳол кредиторларга жараённи тиклаш тўғрисида илтимос қилишга ҳуқуқ берганда;

қарздор кредиторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига жиддий зиён етказувчи хатти-ҳаракатларни қилган ҳолларда келишув битими ҳақиқий эмас деб топилиши ва қарздорни синган деб топиш жараёни тикланиши мумкин.

Келишув битими ҳақиқий эмас, деб топилган тақдирда синган деб топиш жараёнини тиклаш тўғрисида матбуотда хабар берилади.

Агар қарздор келишув битими ижро қилингунга қадар синган деб эълон қилинган бўлса, кредиторларнинг тўлаш кечиктирилган, бўлиб-бўлиб тўлашга келишилган даъволари ёки қарзларнинг қаноатлантирилмаган қисмларидан скидкалар тўла ҳажмда тикланади.

**Ўз таклиф ва мулоҳазаларингизни 10 апрелгача қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз**

**Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш комитети.**

**Телефонлар: 39-85-75, 39-82-83.**

